



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Бахтиёр Хошимович Мирзарахимов

Фарғона давлат университети Катта ўқитувчиси(PhD). Фарғона,  
Ўзбекистон

## ТУРИЗМНИНГ ЭСТЕТИК ТАРБИЯДАГИ ВАЗИФАЛАРИ: ТАРИХИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИКНИНГ УЙЎНЛИГИ

### Аннотация

Мақолада, туризм фаолиятининг эстетик тарбиядаги вазифалари ҳисобланган фориглантириш, билимли, маърифатли қилиш, тарбиявийлик, коммуникативлик фаолияти ҳузурбахшлик, ахборот бериш (информатив) вазифаси, тартибга солиш (регулятив) вазифаси тўғрисида сўз юритилган. Шунингдек, туризм инсоннинг ҳиссий ва интеллектуал қобилиятлари, унинг ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлари, нафақат табиий зарурият, балки гўзаллик қонунлари асосида яратилган реал нарса-ҳодисалар билан биргаликда хулқ-атвор шакллари ўз ичига олган мураккаб тизим эканлиги тарихийлик ва замонавийликнинг уйғунлашуви диалектик таҳлил қилинган.

**Калит зўзлар:** Эстетик тарбия, туризм, зиёрат, маърифат, гносеологик амалиёт, ислом, эстетик эҳтиёж.

### INTRODUCTION

Шахсни эстетик жиҳатдан тарбиялаш мураккаб ва серқирра жараён ҳисобланиб, инсоннинг тафаккури, дунёқараши билан боғлиқ жараёндир. Бу жараёнларда эстетика амалий жиҳатдан ўзини туризм маданияти орқали ҳам намоён этиши мумкин. Инсон табиатга саёҳат қилиши натижасида гўзалликдан, улуғворликдан баҳраманд бўлиши билан бирга, уни нафосатли тарзда ўзлаштиради. Туризм кишиларда инсоният томонидан бунёд этилган ижод намуналарини нафақат фаол ўзлаштириш балки, уларнинг эстетик моҳиятини англаш ва баҳолаш қобилиятини такомиллаштиради.

Туризм кишиларда табиат ҳамда жамият ижтимоий жараёнларига эстетик муносабатда бўлиш маданиятини ривожлантириб, тарихий маънавий меросимизга улуғворлик ҳиссини уйғотиш, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш учун хизмат қилади. Шу сабабли туризм моддий, ҳамда маънавий гўзалликлар яратиш билан эстетик тарбиянинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Туризмда эстетик тарбиялашнинг омилларидан бири экоахлоқий ва экоэстетик фаолиятдир. Бугунги кунда инсон табиатга ва жамиятга бўлган муносабатидан бири туризм фаолияти пайдо бўлиб, замонавий эстетик тарбия фаолиятини қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда. Булардан бири экоахлоқий муаммолардир. Экологик-ахлоқий идеалга эришиш йўлидаги биринчи ва муҳим қадам бу бизнинг ахлоқий эътиқодимиз ва қарашларимизнинг ички ўзгаришидир.

Кейинги пайтларда туризмнинг замонавий экоэстетик тарбия воситаси эканлигига оид тадқиқотлар биров жонланиб, инсон, шахс, жамият ва табиат рўқнда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Туризм фаолиятида инсоннинг табиатга эстетик муносабатини шакллантириш орқали экологик муаммоларни бартарф этиш, толерантликни шакллантиришга эришиш каби гипотезаларни илгари сурмоқдалар. Туризм орқали атроф-муҳит экологиясини соғломлаштиришда миллий кадрлардан оқилна фойдаланиш, халқ мифологияси, оғзаки ва ёзма ижоди билан ҳозирги маърифат соҳасини ривожлантириш каби хулосалар ҳам мавжуд. Туризм шахснинг табиатга эстетик муносабатини шакллантириш жараёнида муҳим назарий-гносеологик функцияни бажариши мумкин, табиат гўзаллигини кашф этиши ижодида инсон ғоявий-мафкуравий йўналишни аниқлаштиради ва шахснинг чуқур эҳтиёжларини акс эттирувчи экоэстетик тарбияни туризм орқали ривожлантириш, ўзгартириш ва сақлаб қолишда фаол иштирок этиш зарурлигини тушинади.[1]

Туризм йўналишидаги тадқиқотларда зиёрат туризми инсонни рухий, эстетик тарбиялашдаги вазифасини алоҳида таъкидлаб ўтилади. Зиёрат диний расм-русумларни бажариш билан бирга амалга оширадиган инсоннинг турли муқаддас маконлар бўйича сайру саёҳатидир. У кишининг доимий яшаб турган манзилдан узоқлашган ҳолда сажда қилишга асосланган диний ёки дунёвий муқаддас жойларга зиёрат қилишини назарда тутаяди. Зиёратчи муқаддас жой ва нарсалар олдида бориб сажда қилган, уларни эъзозлаган ҳолда зиёратни амалга оширади. Туризмнинг бу шакли зиёрат туризмнинг асоси сифатида хизмат қилади. Чунки, зиёрат саёҳати жараёнида зиёратчилар муқаддас жойларни зиёрат қилиш мақсадида сафарга чиқадилар. Зиёрат эстетик ҳиссиёт орқали инсонни маънавий ва жисмоний камолотга эришишига кўмаклашади. Зиёрат жараёнида инсонлар муқаддас жой ва нарсалар билан танишадилар, улардан маънавий озуқа оладилар, ҳар хил ҳодисаларга гувоҳ бўладиларки, бундай жараёнлар зиёратчиларнинг дунёқарашини кенгайтиради ва баркамолликка етишга кўмаклашади.

## MATERIALS AND METHODS

Ушбу тадқиқотнинг мақсади шахснинг эстетик идеалини шаклланишида туризмнинг глобаллашув даврида эстетик тарбия воситаси эканлиги, шахсда эстетик эҳтиёж, уни қондирувчи амаллар истемолчилик кайфиятида ривожланаётганини асослаш. Ушбу мақолада асосий методология қиёсий таҳлил, тарихийлик, аналогик ва мантиқийлик таҳлил ташкил этади. Туризмга оид манбалар эволюциясида асосан сафар одоби ва унинг эстетик моҳияти, мазмуни билан боғлиқ масалалари тўғрисида сўз юритилган. Жумладан, Хусайн Воиз Кошифий ушбу фикрларни билдиради.”... Агар нима мақсад



учун сафарга чиқилади, деб сўрасалар, жавоб беринг айтингки, Сўфийлар уч нарса учун сафар қиладилар: Улуғ авлиёларни зиёрат қилиш, ё нафс риёзати, ёки тариқат йўлига кирган мардларнинг дийдорини кўриш учун. Сафарнинг фойдаси кўпдир, биринчидан, таннинг сифатига фойдали, чунки ҳаво алмашади ва аъзолар чиниқади, зеро ҳаракат бадан рутубатини кетказди, қон айланишини яхшилади. Иккинчидан, азиз-авлиёлар улуғ инсонлар қабрини зиёрат қилишнинг савоби беҳад кўпдир. Учинчидан, танбаллик дангасаликни бартараф этади чунки бир мақомда истекомат қилса сустлик ва касаллик кучаяди, баданнингозуқалари, суви юришмай қолади. Тўртинчидан, ғам ва маҳзумликни кетказди, негаки киши қанчалик ғамгин бўлмасин сафарга чиқса кўнгили чигили ечилади, олтинчидан сафарда умр осойишта ўтади. Еттинчидан, сафарда юриб, илминг ортади зеро сафарда кўп нарса ўрганиш мумкин»[2]

Фан ва дин бир-бирига душман эмас, дўст эканлигини далиллаб берган атоқли файласуф Муҳаммад Абу Ҳомид Ғаззолий ўзининг “Кимёи Саодат” асарида сафарнинг эстетик тарбиявий хусусиятлари тўғрисида қуйидаги фикрларни билдиради. “Илм олиш учун сафар қилмоқ фарз ҳисобланади. Чунончи илм ўрганиш эса фарз ва суннатдур. Киши уйдан илм ўрганиш учун йўлга чиқса уйига келгунча илм олиш хоҳишида юрган бўлади. Толибул-илмнинг йўлига фаришталар қанотларини ёйиб турадилар. Суфён Саврий раҳматуллоҳи алайҳ айтур: «Агар киши Шомдан Яманга сафар қилиб, шариат илмидан бир сўз эшитса, ул сафари зоеъ бўлмас». Ва лекин ул илм учун сафар қилғайки охирати обод бўлғай. Иккинчи тариқа - ахлоқини тузатмоқ ва ёмон, нафратли хислатларидан халос бўлмоқ учун сафар қилмоқдур. Бундай сафар муҳимдурки, киши уйда бўлса кўнгли хоҳлаганини қилади. Ўзини ва ҳамма сифатларини яхши кўради. Вақтики сафарда бўлса ўзига ёмон феъли маълум бўлади ва сафар ранжидан ўзининг ожизлиги, заъифлиги ва бадхўйлигини билиб олади.[3] Сафар яхши сифат ҳосил қилмоқ ва ахлоқни тузатиш учун сабаб бўлади. Бишр Ҳофий раҳматуллоҳи алайҳ айтур: «Эй, яқинларим, сафар қилинглар, токи пок бўлғайсизлар. Чунончи сув бир ерда узок турса таъми бузилар».[4]

Ўрта асрда яшаган алломаларимиз фикрларидан кўринадики эстетика ишлаб чиққан қонун қоидалар замонавий туризм учун умумийлик хусусиятига эга. Туризм эстетик тарбия сифатида бугунги кунда ҳам ҳамоҳанг олиб боришни билиш қийин эмас. Бундан кўринадики ижтимоий тараққиётда туризм кадриятга айланадиган маданий ҳамда маънавий эҳтиёжни қондирувчи эстетик тарбиянинг воситаси ҳисобланади.

Файласуф П.Сорокин XX аср ўрталарида жамиятнинг ижтимоий тенденцияларини таҳлил қилиб, Ғарб цивилизацияси тарихида шахснинг ҳиссий олами, маданияти, аксиологик онг тизимининг устуворлиги давом этаётганлигини қайд этди. Эстетик камол топган жамиятни тасвирлаб, у шундай ёзган: “Туризмни асосан фаровонлик, соғлиқ, жисмоний баркамоллик, эстетик эҳтиёж қондириш сифатида таҳлил қилади. [5] Бизнинг фикримизча, жамиятнинг аксиологик хусусияти туризм маданиятининг асосий принципларини ўз ичига олади. У шахснинг жисмоний, маданий ва сиёсий эҳтиёжларини қондириши, унинг жисмоний, эстетик, интеллектуал оламига ижобий таъсир эташи мумкин. Бу эса маълум бир туризм фаолиятини кадриятларга риоя қилиш ҳамда эстетик тарбия воситаси билан бирга, туристнинг ижтимоий мавқеини белгилашнинг бир шакли ҳисобланади.

## RESULT AND DISCUSSION

Туризмнинг эстетик тарбия хусусиятлари ва тамойиллари маълум маънода унинг асосий вазифаларини ҳам белгилаб беради. Ана шу вазифаларни кўриб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Фориғлантириш - туризмнинг асосий вазифаси. Саёҳат инсон қалбини тозалайди – поклайдиган маънавий жараён вазифасини ўтайди.

Сафар жараёни инсондан ёмон ахлоқдан воз кечиб хушфеълликка ҳаракат қилишни талаб этади, токи инсон қалбидан барча дунёвий армонларни чиқариб ташласин. Натижада, у нопоклик ҳолатидан поклик ҳолатига кўтарилади. Инсон қалбини тозалаб, кундалик ҳаётда унга керак бўлган, асл ҳолатини ифодалайдиган: сувдай соф, биллурдек шаффоф, ойнадай силлиқ кўнгилни яратади.

Зиёрат – бирор жойга бориш, деган маънони англатади. Зиёрат, моҳиятан, муқаддас жойларга, азиз-авлиёларнинг мазорларига, қабристонларга бориб, муайян маросимларни бажариш, демакдир.[6]

Ислом ақидаларига кўра, зиёрат қилинаётган авлиёнинг руҳидан мадад сўраш ширк ҳисобланиб, оғир гуноҳ саналади. Зиёрат қилинувчилардан нажот сўраш ўрнига, уларнинг ҳақларига дуо қилиш, садақа – эҳсондан ҳосил бўлган савобни уларнинг руҳига бағишлаш ўринлидир. Азиз авлиёларнинг мазорига зиёратга борилганда, одатда тиловат қилиниб, марҳум ҳақиқа дуо қилинади. Ёшларни муқаддас қадамжолар ҳақидаги аждоқларнинг турли қарашларини муқаддас қадрият сифатида келажак авлодга етказишда ҳам туризмнинг ўрни беқиёс ҳисобланади. Жумладан, муқаддас қадамжоларга ёш авлоднинг ташрифи ўз навбатида ёшлар ва кекса авлод ўртасидаги мулоқот майдони вазифасини ўтаб, муқаддас қадамжолар уларнинг тарихи, анъана ва қадриятлар, зиёрат одоблари, маросимлар ҳақида қимматли маълумотлар олиш билан бирга уларнинг маънавий дунёқарашининг кенгайишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Билимли, маърифатли қилиш ҳам туризмнинг асосий вазифаларидан. Ёшларда қадамжолар ҳақидаги аждоқларнинг турли қарашларини муқаддас қадрият сифатида келажак авлодга етказишда ҳам туризмнинг ўрни беқиёс ҳисобланади. Жумладан, муқаддас қадамжоларга ёш авлодни ташрифи ўз навбатида ёшлар ва кекса авлод ўртасидаги мулоқот майдони вазифасини ўтаб, муқаддас қадамжолар уларнинг тарихи, анъана ва қадриятлар, зиёрат одоблари, маросимлар ҳақида қимматли маълумотлар олиш билан бирга уларнинг маънавий дунёқарашини кенгайишида ҳам катта рол ўйнайди. Таниқли инглиз социологи Ж.Урри туризм соҳасини ижтимоий дастур сифатида, дунёни билишнинг замонавий усули сифатида талқин этган.[7] Шу нуқтаи назардан туризм инсонга эстетик-ҳиссий таъсир кўрсатиши орқали билишда ахборотларнинг кўпайишига этибор қаратади. Бу маънода туризмни гносеологик амалиёт деб аташ мумкин.[8] Туризм инсоннинг табиат ва жамият билан онгли, ижодий алоқасидан иборат бўлган фаолиятдир. Объект билан амалий алоқадорлиги айнан моддий нарсанинг моҳиятини билиш, унинг қаршилигини енгиб ўтишдан иборатдир. Туризмда инсон табиатнинг қонун ва хоссаларини ўрганиш билан бир қаторда янги имкониятларни очади ва янги мақсадларни ўз олдига қўяди, унга мувофиқ тарзда табиатда мавжуд бўлмаган янги нарсаларни эстетик ҳиссиёт орқали ўзлаштиради.[9]



Геносеологик феномен сифатида туризмнинг муҳим хусусиятлари қуйидагилар: 1) мақсад (қадриятлар) бўйича саёҳат қилиш; 2) эстетик- хиссий хусусияти; 3) олам, нарсаларнинг ўзлаштирилиши ҳамда когнитивлик. Мақсадга йўналтирилганлик, эстетик-хиссий характер ва когнитивлик каби белгиларнинг умумий бирлигини ҳисобга олиш туризмни геносеологик феноменга айлантиради. [10]

Тарбиявийлик вазифаси. Тарбиячи сифатида туризм инсон ҳиссиётларига таъсир қилади, эстетик кечинмалар уйғотади ва шу орқали эзгуликдан ёвузликни фарқлай билиш кўникмасини шакллантиради. Туризмнинг тарбиявий йўналишдаги вазифаси шундан иборатки, инсон саёҳат натижасида билим ва тажриба олади, бундан ташқари чиниқади, қийинчиликларни бартараф этади, мамлакатини соғинади ва кадрлайди, бошқа миллат урф-одатларига ҳурмат билан қарайдиган бўлади. Туризм инсонни дунёқарашини ўсишига, маънавий етукликка эришишда катта аҳамият касб этади. [11]

Коммуникативлик фаолияти - туризмнинг ўзига хос вазифаси. Туризм идрок этувчини муайян маконда ва замонда «бирга олиб юради», биз учун янги бўлган воқелик билан «таништиради», ҳозирги замон одамини бошқа бир замонга, бошқа тарихий воқеалар жойига, бошқа минталететга, бошқа минтақага «олиб боради. яратилган ва яратилаётган ҳар қандай маданият кишилар, гуруҳлар, табақалар, халқлар, элат ёки миллатларнинг ўзаро алоқа боғлашлик (коммуникатив) вазифасини бажаради. Туризмнинг бу вазифаси кишига икки хил ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, Шарқ халқларининг табиати ва руҳиятига, ахлоқий ва эстетик қарашларига ёт бўлган бегона маданий тузумлар кишиларимизга салбий таъсир кўрсатади. Лекин умуминсоният томонидан кадрланадиган умумахлоқ, ҳуқуқ, бадий тафаккур, имон-этикод меъёрлари кишиларга ижобий таъсир кўрсатиб, комил инсонни шакллантиришга ёрдам беради.

Ҳузурбахшлик - туризмнинг ижтимоий вазифаси. Шунини алоҳида айтиш керакки, туризмни эстетик эҳтиёж билан боғлаш мумкин. Шундай экан, ҳузурбахшлик вазифасини унинг табиий бурчи деб аташ мумкин. Инсон учун туризм «бир маза қилиш», бир муддат завққа берилиб, ҳузур олиш учун керак. Туризм инсоннинг ижтимоий воқеликни билиб олишидир. Инсон атроф-муҳитни била бориб, ўз-ўзини моддий бойликларнинг ҳақиқий яратувчиси эканлигини, жамиятдаги ўз ўрни ва мавқеини англаб боради. Ҳузурбахшлик вазифаси туризмнинг ғоявий-бадий яхлитлигини таъминлаши баробарида уни аждоддан авлодга асраб етказишни ҳам ўз бўйнига олади.

Туризмнинг ахборот бериш (информатив) вазифаси. Инсон ўзини қуршаб турган моддий дунё ва ижтимоий муҳитни ўзлаштириб ҳамда англаб бориш натижасида муайян даражадаги билим, тажриба, малака ва кўникмаларга эга бўла боради. Уларни бошқа кишиларга, гуруҳ ёки табақаларга, ўзидан кейин келаётган авлодларга етказиб бериш эҳтиёжига эга бўлади. Инсоният ҳаётининг дастлабки даврларида, яъни ёзувнинг кашф этилгунига қадар кишилар ўзларининг билимлари, тажриба, малакаларини халқ оғзаки ижоди намуналари орқали, сўнгра ёзув орқали етказиб берганлар. Туризм инсонда оғзаки фикрлаш ва тафккур жараёнларини ўстиради, айнан шу сабабли туризмни эстетик тарбиянинг замонавий воситаси дейиш мумкин.

Туризмнинг тартибга солиш (регулятив) вазифаси. Кишиларнинг табиат, жамият ва бошқа кишиларга нисбатан бўлган муносабатлари жамият усткурмасининг асосий элементлари ҳисобланувчи давлат ташкилотлари, улар олиб боровчи сиёсат, уни мустаҳкамловчи ва тарқатувчи ҳуқуқ ҳамда мафкура, ахлоқ, санъат, ижтимоий-

гуманитар фанлар ва дин томонидан тартибга солиб туради. Ижтимоий ҳодиса ҳисобланувчи турли хил маросимлар ва урф-одатлар ҳам туризмнинг тартибга солувчилик вазифасини сифатида намоён бўлади. Кишиларнинг атроф-муҳитга нисбатан бўлган муносабатлари тартибли натижасида ахлоқий, эстетик, диний, сиёсий ва ҳуқуқий меъёрлар вужудга келади.

## CONCLUSION

Туризм эстетик тарбиянинг замонавий воситаси сифатида қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Туризм инсоннинг эстетик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган, жойларни кўриш, ўрганиш ва эстетик завқ олишга имкон яратувчи жараён дур. Маънавий тарбиянинг ажралмас қисми сифатида туризм инсоннинг эстетик жараёнларда уйғун ривожланишини таъминлайди. Эстетик жиҳат замонавий туризм маданиятининг асосларидан бири бўлиб, ҳиссий идрок принципи туризмнинг айрим турлари: гастрономик, этник, зиёрат, экотуризм қабиларнинг асосини ташкил этади. Умуман олганда туризм эстетик онг ва унинг заминида турувчи амалиётнинг ўзига ҳос ифодаси сифатида кишиларнинг реал ижтимоий-эстетик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади ва эстетик тарбия воситасини ўтайди. Туризмнинг таркибий тузилиши кўп қатламли бўлиб, унда аввало объектга нисбатан эстетик муносабат ҳамда эстетик фаолиятнинг яхлит бирлиги ва ўзаро алоқадорлиги кўзга ташланади. Инсоннинг ҳиссий ва интеллектуал қобилиятлари, унинг ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлари, нафақат табиий зарурият, балки гўзаллик қонунлари асосида яратилган реал нарса-ҳодисалар билан биргаликда ҳулқ-атвор шакллари ўз ичига олган мураккаб тизимдур. Туризм фаолиятининг асосида оламни амалий жиҳатдан ўзлаштиришга йўналтирилган фаолият туради. Унда субъектнинг эстетик онги, эстетик муносабатларининг мазмуни моддийлашган бўлади. Туризм шахснинг чуқур қизиқишлари, эстетик эҳтиёжлари ва завқий муносабатларини ифода этиш шакли сифатида эстетик тарбия йўналишини белгиловчи, ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Ҳозирги даврда инсоннинг дунёқарашини ривожланиш натижаларини акс эттириш шакли, балки жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларни, уларнинг аҳамияти тўғрисидаги умумбашарий ғояларни акс эттиришнинг ўзига ҳос ўзгармас моделидур.

## REFERENCES

1. Б.Х.Мирзараҳимов.,”Туризмнинг гносеологик вазифалари ва уларнинг фалсафий таҳлили”. Фалсафа ва Ҳаёт журнали. Тошкент - 2020 №1(8). Б-123.
2. Хусайн Воиз Кошифий “Футуватномаи султоний ” Тошкент, А.Қодирий номидаги халқ меъроси нашриёти, 1994-й, 62-б.
3. Абу Ҳомид Ғаззолий «Кимёи Саодат» (Рух ҳақиқати) «Адолат» Тошкент- 2005. Б-196
4. Усмон Ҳосил. Одатнома. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. –268-б.
5. Сорокин П. Главные тенденции нашего времени. М.: Наука, 1997. - С. 19
6. Madimarovna, A. I., & Khoshimovich, M. B. (2020). Factors for the development of tourism culture in the uzbek national value system. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*,10(4), 575-580. DOI NUMBER: 10.5958/2249-7137.2020.00116.0
7. Urry J. *The Tourist Gaze: Leisure and Travel in Contemporary Societies*. London: Sage. 1990. P. 2



8. Б.Х.Мирзараҳимов.,”Туризмнинг гносеологик вазифалари ва уларнинг фалсафий таҳлили”. Фалсафа ва Ҳаёт журнали. Тошкент - 2020 №1(8). Б-124.
9. Гализдра А.С., Феномен туризма: социально-философский анализ. Автореферат. Саратов - 2006. С-43
10. Б.Х.Мирзараҳимов.,”Туризмнинг гносеологик вазифалари ва уларнинг фалсафий таҳлили”. Фалсафа ва Ҳаёт журнали. Тошкент - 2020 №1(8). Б-126.
11. Mirzarahimov, Bakhtiyor (2019) "The factor of good neighborhood and tourism development (Philosophical analysis)," *Scientific Bulletin of Namangan State University*: Vol.1: Iss.1, Article23. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss1/23>